

ЎСМИРЛИК ДАВРИГА ХОС СУИЦИДАЛ ХУЛҚНИНГ АЙРИМ САБАБЛАРИ

Мажидов Жасур Бахтиярович-Жиззах
давлат педагогика институти, умумий
психология кафедраси ўқитувчиси
Исломова Парвина, Педагогика ва
психология йўналиши 2-босқич талабаси

Аннотация: Ушбу мақолада ўсмирлик даврига хос суицидал хулқнинг айрим сабаблари ва бу борадаги қарашлар ўз ифодасини топган. Шунингдек ўсмирлик даврига хос бўлган хулқ-атвор ўзгаришларининг ижтимоий-психологик омиллари хусусида мулоҳазалар юритилган.

Калит сўзлар: ўсмирлик даври, хулқ-атвор, суицид, суицидал хулқ, аутодеструктив хулқ.

Ҳозирда ижтимоий-иқтисодий, маданий, айниқса, сиёсий соҳаларда кузатилаётган кескин ўзгаришлар ва иқтисодий соҳадаги беқарорлик инсонларнинг дунёқараши, хулқ-атвори, турмуш тарзи ва уларнинг касбий фаолиятига ҳам салбий таъсир этаётганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Айниқса, ёшлар ўртасида ўз жонига қасд қилиш муаммолари ҳар бир ота-она ва педагог-психологлар учун кутилмаган фожиали ҳодисалар бўлиб қолмоқда. Ёшлар ўртасидаги бундай психологик кризис кичик мактаб ёшида, ўспирин ва ўсмирлик ёш давларидаги ўтиш даври билан боғлаб тушунтиришга ҳам ҳаракат қилинади.

Ўсмирларда девиант хулқ кўринишларини пайдо бўлишига олиб келадиган сабабларни қуйидаги психик ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин:

✓ “Мен” образидаги қарама - қарши позицияси ўсмир шахс томонидан ўзига ишонч хиссини йўқотилишида намоён бўлади;

✓ “Ўзини бошқариш” хиссини ҳали шаклланиб улгурмаганлиги натижасида ҳаёт мазмуни ва мақсадини йўқотиш хисси шаклланади;

✓ Психологик кризис ҳолатида ички шахсий низолар узоқ давом этиши депрессияни шакллантиради;

✓ Ўсмир шахсдаги тарбияси қийин бўлиб қолиши оилавий носоғлом муҳитнинг таъсири узоқ давом этганлиги билан боғлиқ.

Ёш даврлари нуқтаи назаридан ёндашганда ўсмирда психологик инқироз шахсий дунё қарашларнинг ўзгаришларига олиб келади. “Мен” тизимининг бузилишида ўқувчи шахс ўз-ўзини англаши, ўз-ўзига баҳо бериши, чорасизлик, ахлоқий мувозанатсизликлар кузатилади. Бу ўзгаришлар ўзи учун ҳаёт шароити тарзида энди яшаш имконияти йўқлиги, ўзини йўқотиб қўйиш, шаклланиб бораётган девиант хулқ кўринишлари ўсмирнинг ўзига хос компенсаторлик механизмлари сифатида юзага келади. Бу ҳолат ўсмир кечинмаларини характериға боғлиқ бўлиб, конструктив бўлмаган кечинмалар таъсирида шаклланган ўсмирнинг “Мен” бир томондан компенсатор- химоя механизми сифатида инқирозли вазиятдан чиқиб кетиш вазифасини ўтаса, иккинчи томондан, ўсмирнинг ижтимоий адаптациясига халақит беради. Бу эса ўқувчи шахси олдида турган вазифаларни ҳал этишга тўсқинлик қилади, ўсмирда ўзини, юзага келган вазиятни яхши томонга ўзгариши мумкин эмаслиги ҳақида турғун фикр пайдо бўлади. Бу ўз навбатида “Ўзини йўқотиш”, “Ўзига нафрат ҳиссида бўлиш” шахсий ички низоларни ҳал этиш йўллариини излаш бошланади, янги “Мен” ининг шаклланиши учун замин яратса, яъни боши берк йўлга кириб қолгандек ҳис қилиб ўз жонига қасд қилишга йўл қўяди.

Мазкур муаммо юзасидан статистик маълумотларга эътибор берадиган бўлсак, Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг таъкидлашича, охириги 45 йил ичида ўз жонига қасд қилиш 60%га ўсганлиги қайд етилган. Суицид ҳолатларининг тарқалиши бўйича ривожланган мамлакатлар яъни биринчи ўринда Шарқий Европа, Жанубий Корея ва Япония давлатлари етакчилик қилади. Бутун Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотларининг сўнгги маълумотларига кўра ўз жонига қасд қилиш юзасидан юқори кўрсаткичлар

давлатлараро (аҳолининг 100 минг кишидан 20 дан ортиғига) 13 мамлакат киради, улардан Литва (34,1), Қозоғистон (25,6), Белоруссия (25,3), Россия (21,4) ва Украина (21,2), ўрта кўрсаткичдаги ўз жонига қасд қилишлар (аҳолининг 100 минг кишидан 10 дан 20 киши гача) АҚШда кузатилмоқда, Европанинг 30 та давлатида, Жанубий Американинг 4 та давлатида ва Осиёнинг 3 та давлатида. Улар қаторида Эстония (18,1) ва Молдова (17,4). Суициднинг паст кўрсаткичлари (аҳолининг 100 минг кишидан 10 кишидан ками) 56 мамлакатда белгиланган, асосан Жанубий Америка, Африка ва Осиё. Улардан Қирғизистон (8,8), Туркменистон (8,6), Грузия (4,3), Тожикистон (2,6), Арманистон (1,9) ва Озарбайжон (0,6). Ўзбекистон бу ҳолатда бошқа мамлакатларга нисбатан “ўз жонига қасд қилиш”нинг паст кўрсаткичини яъни (4,7) ни эгаллайди.

Жонига қасд қилиш - ўлиш мақсадида атайин ўзига зиён етказишдир. Ҳозирги кунгача 15-44 ёшлилар орасида “Суицид” ўз жонига қасд қилишнинг турли хил сабаблари аниқланган. Бундай ишга қўл ураётганлар одатда руҳан кучли азобланаётган ва стресс ҳолатида бўлиб, ўз муаммоларини мустақил еча олмайдилар ўз жонига қасд қилиш, кўплаб рухшуносларнинг таъкидлашича, атрофдагиларнинг тушунмаслиги, ёлғизлик, меҳр- муҳаббат етишмаслиги каби сабабларга бориб тақалади. Шу билан биргаликда мазкур муаммонинг ёшариб бораётганлиги кенг жамоатчиликни ташвишга солмоқда.

Ўз жонига суиқасд қилиш муаммоси сабабларини таҳлил этиш жуда мураккаб масала ҳисобланиб, Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра ўз жонига суиқасд қилишнинг 800 та сабаблари мавжуд экан, улардан энг кўп учрайдиганлари:

- 36 фоизи - номаълум сабабларга кўра;
- 19 фоизи - жазодан кўрқиш;
- 18 фоизи - рухий кечинмалар;
- 18 фоизи - турмуш, уй ташвишлари;

- 6 фоизи - эҳтиросларга берилиш;
- 3 фоизи - пул, мол-мулк йўқотиш.

Келтириб ўтилган сабаблар ёки, мазкур муаммо нега бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб қоди?

Суицид атамаси илк марта италян психологи Г. Дзэз томонидан 1947 йили киритилган ва «ўз умиридан маҳрум бўлиш ниятидаги ҳатти – ҳаракат» маъносини билдирган. Бу масалага қизиқишлар доим бўлган. Аммо, ўз-ўзини ўлдириш муаммоси ҳар йили глобал характерга эга бўлса, суицид ҳаракатлари инсоннинг ҳаётдаги у ёки бу инқирозли вазиятдан қочишларидаги уринишлари бўлиб қолмоқда. Ҳозирги вақтда яна бир илмий суицидология йўналиши ривожланган бўлиб, социология, психология, деография, медицина (тиббиёт) психиатрия билан боғлиқ ҳолда инсонларнинг шу ишни қилишга бўлган қизиқиш сабабларини, унинг шахсий хусусиятларини ва уларда ҳаёт кечиришга яъни яшашга тўсқинлик қилаётган омилларини ўрганади.

Адабиётларда суицидал ҳаракатнинг 3 турини ажратиш кўрсатилади:

- Намойишкорана (демонстратив)
- Аффектли
- Ҳақиқий

Хўш, мазкур муаммо юзасидан олимлар қандай изланишлар олиб боришмоқда ?.

Суицидал ҳулқ тадқиқотчилар томонидан аутодеструктив (ўзини-ўзи маҳкум этувчи) ҳулқ тарзида кўрилиб, унинг белгиси сифатида ўз шахси ва саломатлигини онгли равишда бузиш тенденцияси намоён бўлади.

К. Озватҳ (K.Ozvath)нинг фикрича, аутодеструктив ҳулқ-атвор бехосдан ёки ҳаддан зиёд кучли зўриқишли (стрессли) таъсир натижасида ҳулқнинг индивидуал механизмларининг панд бериши ёки етарлича эмаслиги оқибатидир.

Амалга оширилган назарий таҳлил асосида Р.Ф. Баумеистер, С.Ж. Ссхерлар аутодеструктив хулқнинг уч типини кўрсатиб ўтишади:

1. Бирламчи аутодеструкция: индивид ўзига зарар етказишга уринади ва онгли равишда уни амалга оширади. Бундай хулқ асосини инсондаги кучли салбий эмоциялар ташкил этиб, ўзининг камчиликларига диққатнинг каратилиши туфайли, ўзига нисбатан салбий муносабатни шакллантиради.

2. Аутодеструктив хулқ паттерннинг карама-қарши томони сифатида самарасиз стратегия: инсонлар эзгу мақсадларга интилишади, аммо самарасиз стратегияни қўллаган ҳолда ўзларига зиён-заҳмат етказишга уринади.

3. Аутодеструктив паттерннинг учинчи типиди инсон ўзаро бир-бирини истисно этувчи икки мақсадни кўзлайди. Бир неча карама-қарши мақсадлар доирасидан бирини танлаш, унга сарфланган ҳаракатлар ижобий натижалардан юқори бўлиб, фикрларда хатоликлар мавжуд эканлигидан дарак беради.

Р.Ф. Баумеистер, С.Ж. Ссхерларлар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда аутодеструктив хулқ-атвор турли шаклларининг таҳлилига доир маълумотларга кўра, улар асосан иккинчи ва учинчи типга киритилиши мумкин, бироқ биронтаси ҳам биринчи аутодеструктив хулқ тоифасига киритилмайди. Муаллифлар хулосасига қараганда, соғлом кишилар ўзларига етказилган зарарни ноадекват реакциялар, самарасиз методларнинг кутилмаган натижалари, таваккал ва сарфланган кучни нотўғри баҳоланиши натижасида етказишади. Бунда асло онгли равишда ўз-ўзини ҳалок этишга интилиш кузатилмайди. Ушбу ҳолатларда ўз вақтида кўрсатилган педагогик –психологик таъсир, шахсда ўз-ўзини бошқара олиш, муаммони ҳал этилишининг бошқа, альтернатив усул ва воситаларини излаб топиш мотивациясини шаклланишига ёрдам беради.

Мазкур муаммони ўрганиш юзасидан бир қанча назариялар мавжуд бўлиб, жумладан: суицидни тадқиқ этишнинг психопатологик назарияси

тарафдорлари (Р.Гюбнер.Ф.В.Рибаков, ва бошқалар) уни ўткир ёки сурункали психик бузилишлар намоён бўлишининг шакли сифатида карашади.

А.Е. Личко фикрига кўра тарбиянинг мувозанатлашмаган (дисгармоник) шакли у ёки бу кўринишдаги характер акцентуациясининг, шу жумладан ўзини халок этувчи хулқ шакллариининг шаклланиши ва мустаҳкамланишига имкон туғдиради.

Умуман олганда, психопатологик назариялар маълумотларида суицидал хулқ ва патологик ҳолатлар ўртасида аниқ бир боғланиш борлиги аниқланмаган, шунга карамай, суицидентларда ўткир психотик ҳолатларни келтириб чиқарувчи депрессия оқибатида суицид хавфи юқорилиги исботланган.

Суицидни тадқиқ этишнинг яна бир назарияси, социологик назарияда, ўз жонига суиқасд қилиш ҳолатлари келиб чиқишнинг сабаблари ижтимоий ривожланиш шароитлари билан ўзаро боғлиқда тушунтирилади. Ушбу назариянинг асосчиси Э.Дюркгеймнинг ”Суицид жамиятнинг меъёрий қадриятлар тизимидаги бузилишидир” - деган фикрни илгари сурган.

Социологик назария тарафдорларининг амалий тадқиқотлари таҳлилида жамиятда ўзаро жипслик, яқин жамоавий алоқа мавжуд бўлса, ўз жонига суиқасд қилишликнинг сони камайганлиги, агар ўзаро жипслик ва яқин алоқалар сусайса, инсон ўз мақсадларини, жамиятга интилишдан афзал кўради, бу билан эса ҳаётдан кетиш танловининг эҳтимоли ортиши таъкидланади.

Ижтимоий психологик назария тарафдорлари эса, суицидни ижтимоий-психологик ёки индивидуал омиллар натижаси сифатида тадқиқ этишади.

В. Франкл “Суицид, энг аввало ҳаёт мазмунини йўқотиш оқибатида келиб чиқувчи, ожизлик, айбдорлик, бўшлиқни ҳис этилиши, экзистенциал

хавотирланиш билан боғлиқликдан келиб чиқадиган тенденция” - деган фикрни илгари сурган.

А.Т. Амбрумова суицидни шахс ички низоларидан келиб чиқувчи ижтимоий дезадаптация омили сифатида баҳолайди. У ижтимоий - психологик дезадаптация - бу организм ва уни ўраб турган ижтимоий муҳитининг ўзаро номутаносиблиги натижаси бўлиб, шахс томонидан мослашувчанлик даражаси лимитлаштирилган (чекланган), яъни (патологик бўлмаган), трансформациялашган (ўтиб турувчи) ёинки, патологик даражаларини ажратиб ўтган. Ҳар бир дезадаптация тури қисман ёки умумий хусусиятга эга бўлиши мумкин. Экстремал вазиятларга шахслар турлича мослашадилар. Инқирозли вазиятларга нисбатан эгилувчан бўлган шахслар ўзларининг олдинги адаптация даражасини сақлаб қоладилар. Иккинчи тоифадаги шахсларда вақтинчалик ҳаётининг фаоллик пасаяди, лекин асосий адаптация хусусиятлари ўзгармайди. Бу ҳолатларда дезадаптация, патологик хулқ кўринишларини келтириб чиқармайди. Экстремал вазиятларда индивидуал муаммолар билан (неврозлар) бирга намоён бўлган ҳолатларда хулқ бузилишлари келиб чиқиш эҳтимоли ортади.

А.Г. Амбрумованинг таъкидлашича, бундай вазиятларда ижтимоий дезадаптация ҳолати ижтимоий мослашувчанлик даражасини пасайтиради, шахснинг қадриятлари тизими, коммуникатив, эмоционал жабҳалардаги бузилишларга олиб келади. Психотик бузилишлар-бу энг аввало. чуқур дезадаптация натижаси сифатида кўрилади. Бу назария ҳам суицидни келиб чиқишнинг сабабларини тўла тушунтириб бера олмайди. Чунки объектив сабабларнинг шахс томонидан субъектив тарзда англаниши, ўзаро бир - бирига мос келмаслиги ҳам мумкин.

Бу борадаги адабиётлар таҳлили ва тўпланган тажрибалар асосида айтиш мумкинки, ўсмирлик даврига хос суицидал хулқ-атворнинг асосида таълим-тарбия жараёнидаги нотўғри педагогик-психологик таъсир, ўсмирнинг шахслилик хусусиятлари ва эмоционал ҳолатларидаги салбий

Ўзгаришларга ота-оналар, педагоглар, ўсмирнинг тенгдошлари томонидан етарли эътибор берилмаслиги сабабли юзага келган ижтимоий дезадаптация, ижтимоий интеграциянинг пасайиши ва беқарорлиги ётади. Ўсмир ва унинг ижтимоий атроф-муҳитдаги ўзаро муносабатларининг бузилиши, шахслараро алоқаларнинг қийинлашуви, ота-оналар, таълим муассасалари ходимлари томонидан субъект эҳтиёжлари, қизиқишлари инобатга олинмаган ҳолда ўтказилган босим, уларда ҳаёт мазмуни, хавфсизлик ва “керак”лилик ҳиссининг йўқолиши, кўпинча суицидал хулқ-атвор намоён бўлиш сабабларидан бири сифатида изоҳланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Амбрумова А. Г., Тихоненко В. А. Диагностика суицидального поведения // М.: Минздрав, 1990. - 106 с.
2. Амбрумова А.Г. Психология самоубийства // Социальная и клиническая психиатрия. – Москва, 1996. Т.6. – вып. 4. – С.14-20.
3. Асадов Ю., Р. Мусурманов «Ўсмирлар девиант хатти – ҳаракатининг ижтимоий – психологик хусусиятлари. Тошкент – 2011.16-23 б.
4. Личко А.Е. Психопатология и акцентуации характера у подростков. – СПб., 2000. – С.23.
5. Маджидов, Д. Б., & Шарофиддинов, А. (2017). Социальный интеллект как совокупность способностей, обеспечивающих адаптацию личности в обществе. In *Актуальные вопросы современной психологии* (pp. 22-24).
6. Majidov, J. (2021). ШАХСГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШИШДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, (3). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/4325>
7. Majidov, Jasur Baxtiyarovich (2022). SOTSIAL INTELLEKT VA UNING INSON HAYOTIDAGI O‘RNI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (2), 608-613.

8.Majidov, J. (2021). ВОПРОСЫ ГАРМОНИИ ПРЕДСТАВЛЕНИЯ МОЛОДЕЖИ О СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНИ И УДОВЛЕТВОРЕННОСТИ СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНЬЮ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 1(1). извлечено от

<https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1369>

9.Munarova, R. N. O. S., &Soibnazarova, M. N. L. (2022). ONTOGENEZNING TURLI DAVRLARIDAGI SHAXS IQTIDORINI NAMOYON BO'LISH JIHATLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(2), 682-688.

10.Malikaxon Qodirova, [O'SMIRLAR PSIXOLOGIYASI VA O'SMIR XULQ-ATVORINING O'ZIGA HOSLIGI](#), *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 3 (2021): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari*

11.Malikaxon Qodirova, [AGRESSIYANING NAZARIY ASOSLARI](#), *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 3 (2021): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari*

12. Malikaxon Qodirova, [ЧЕЛОВЕК И СТРЕСС](#), *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2020): Journal of Pedagogy and psychology in modern education*

13.Dilfuza Qarshiboyeva, [КРИТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ У ПОДРОСТКОВ](#), *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2021): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari*

14.Jumanova, N. (2021). ПРОФИЛАКТИКА ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ДЕФЕКТОВ В РАЗВИТИИ ЛИЧНОСТИ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 1(1). извлечено от

<https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1365>

15.Каршибаева Г.А. Причины суицида и факторы риска/ Психология интегральной индивидуальности в информационном обществе сборник

статей II международной научно-практической конференции 23 апреля 2021 года. г.Саратов

16.Каршибаева, Г. А.Особенности суицидального поведения в подростковом возрасте. Молодой ученый, (7), 663-665.

17.Каршибаева, Г. А. Суицидальное поведение-сложное социально-психологическое явление. In Психологические науки: теория и практика (pp. 37-39).

18.Каршибаева, Г. А.,N.Абдукадырова, Н. Х. Психологические особенности педагогических конфликтов. In Психология: традиции и инновации (pp. 65-68).

19.Каршибаева, Г. А.Психопрофилактические меры по предотвращению самоубийств у подростков. Молодой ученый, (49), 233-235.

Каршибаева, Г. А.Теоретическая основа проблемы психологических особенностей подростков с суицидальным поведением. Молодой ученый, (49), 230-233.

20.Каршибаева, Г. А., Норбекова, Б. Ш., & Туракулов, Л. Т. Суицид-это не просто способ обратить на себя внимание. European journal of education and applied psychology, (2).

21.Каршибаева, Г. А. Самоубийство в ряду других социальных явлений. Молодой ученый, (5), 581-584.

22.Каршибаева, Г. А., Абдукадырова, Н. Х., & Абдукаримова, Э. И.Педагогические конфликты-неизбежные спутники школьной жизни. In Аспекты и тенденции педагогической науки (pp. 115-117).

23.Каршибаева, Г. А.Некоторые факторы преодоления суицидальных действий среди подростков. In Психология: традиции и инновации (pp. 68-71).

24.Karshiboeva, G. ХАРАКТЕРИСТИКИ МОТИВАЦИОННЫХ ПОТРЕБНОСТЕЙ ПОДРОСТКОВ С СУИЦИДАЛЬНЫМ ПОВЕДЕНИЕМ. EurasianUnionScientists, 1(10 (79)), 48-49.

25. Karshibayeva, G. Diagnostics and Preventive Measures against the Suicidal Behavior of Teenagers. YOUNG SCIENTIST USA., 117.
26. Каршибаева, Г. А., & Шарофиддинов, А. (2018). Роль пословиц в воспитании детей. Молодой ученый, (49), 275-277.
27. Каршибоева, Г. А. СОВРЕМЕННЫЙ АНАЛИЗ СУИЦИДАЛЬНОГО ПОВЕДЕНИЯ (Doctoral dissertation).
28. Каршибаева, Г. А., Б. У. Расулов, Д. Р. Расулова, О. Э. Эшмуратов. Психологическая диагностика личностных и эмоциональных аспектов суицидального поведения подростка : непосредственный // Образование и воспитание. — 2018. — № 2 (17).